

Фалакнинг гардиши билан баъзида хизматкорлар оиласида тугиладиган гўзал ва мафтункор кизлардан бири эди у.

Унда на сеп-сидирга, на умид ва на таникли бўлишдан маъно-мазмун бор эди. У бировни тушунишга ҳам уринмаган, севмаган ва машхур кимсага ҳам турмушга чикмаганди. Киз Халк Таълими Вазирлигида ишлайдиган кичик котибга турмушга чиқишга рози бўлганди.

У оддий кийинар, чунки бошқачасига имконияти бўлмасди. Аммо у чиндан ҳам тўғри йўлдан адашгандек ўта бахтсиз эди. Модомики, бошка аёллардек на табакаси ва на мартабаси бор. Оила ва тугиш ўрнига факат гўзаллик, назокат, жозибали кўриниш дардида юрарди. Табиий нафислилик, хушбичимлилик, акл-идрокли бўлиш олий табакалик белгиси хисобланиб,бу факат аслзода хонимларга хос эди.

У ўзини факат гўзалликлар ва тўла-тўқис хаёт учун тугилганлигини хис қилиб, тўхтовсиз азоб чекарди. Турар жойининг факироналиги, деворларнинг гариб кўриниши, эскирган стуллар, пардаларнинг афт-ангори унга азоб берарди. Унинг хилидан бўлган бошка бир аёл бу нарсаларни хаттоки аклига ҳам сизгидиролмаслигини ўйлаб қийналар, асабларини таранг қиларди. Кичкина Бретон(1) дехкони каби кундалик уй юмушлари уни афсус-надоматлар домига ташлаб, чорасиз ва ушалмас орзулар гирдобига улоқтирарди.

У шарқона нақшлар билан безатилган деворий гиламлар осилган, бронза кандиллар нур таратиб турган сокин хонани, катта креслода ёнбошлаб олганча этик шим кийган бакуват инсон хақида хаёл сурганича ошхона плитасидан анкиётган иссик хаводан оғирлашиб ланч бўлди. У ипаклар билан безатилган узун залларни, кўзни кувонтирадиган хашамдор мебелларни, муаттар атирларга бурканганча соат бешки базмларда якин дугоналари билан гурунги курувчи франсуз аёллари ва таникли одамлар билан суҳбатлашишни, барча аёлларнинг рашқини кўзгаб, уларнинг диккат марказида бўлиш хаёлида сузиб юрарди.

Жувон уч кун олдин ёзилган датурхон билан копланган айлана стол олдига тушлик қилиш учун қелиб ўтирган маҳал, шўрва идишининг копкигини олиб қўйган турмуш ўртоғи кувонч билан хитоб қилди:

- О, мазали pot-au-feu!(2) Бундан ортиги бўлмаса керак!

Аёли эса лаззатли тушликлар, яраклаётган кумуш идишлар, қадимий одамларнинг расми туширилган деворий гиламлар, эртаксимон ўрмон ўртасида парвоз қилаётган гаройиб қушларни хаёл қиларди. Шунингдек, у жимжимадор ликопчалар хизматидаги мазали таомлар, гулмохининг кизгишранг гўшти ёки бедана канотини ейиш давомида кулоққа кулгу аралаш чалинадиган мулойим шивир-шивирларни орзу қиларди.

Унинг ранго-ранг қўйлақлари, тақинчоклари, умуман ҳеч нимаси йўқ эди. У шулардан бошка нарсани севмасди. У ўзини шу матоҳлар учун яралганини хис қиларди. У қўнғилхушлик қилиш, бошкаларнинг хасадини келтириш, мафтункор бўлиш ва хаммани ўзига қаратишни ёқтирарди.

Унинг аёллар монастрида бирга тахсил олган собик синфдош дугонаси бўлиб, у жуда бой эди. Киз ушбу дугонасиникига боришни, қўришни ёқтирмас, сабаби, доим ортига қайтганидан сўнг азоб чекарди.

Аммо бир куни кечкурун унинг турмуш ўртоғи музаффар кифада уйга кириб келди ва кўлидаги катта конвертни узатди.

- Бу ерда, - деди у, - сенга аталган бир нима бор.

Аёл коғозни кескин тарзда йиртиб ташлади-ю куйидаги сўзлар туширилган тамгали таклифномани сугуриб олди:

“Халк Таълими Вазирлиги ва мадам Жоржес Рампоннау хурматли мистер ва мадам Луизелларни 18-январ, душанба кунги базм кечаси учун Вазирлик саройига лутфан таклиф килади.”

Аёл эри кутганидек хурсанд бўлиш ўрнига, таклифномани нафрат билан стол устига иргитиб, тўнгиллади.

- Бу билан нима килишимни истагандингиз?

- Азизам, сени хурсанд килмокчи эдим. Ташкарига ҳеч чикмаганинг учун бу яхши имконият деб ўйлагандим. Буни кўлга киритиш осон кечмади. Канча одам бу ерга боришни орзу килади. У ерга саралаб чакиришган. Айникса, котибларни айтишлари гоят даргумон. Базмга факат зодагонлар йигилади.

Жувон эрига даргазаб тикилиб, бетокатлик билан сўзлади.

- Ахир базмга нима кийиб бораман?

Эри бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди.

- Нимага, театрга тушганда кийган кўйлагингчи?! Ўша менга жуда ёққанди, - деди у. Сўнгра гапиришдан тўхтаб колди. Хотинининг йиглаётганини кўриб, ёмон ахволга тушди. Аёлнинг кўз кирраларидан иккита катта томчи ёшлар секингина лаблари томон юмалади.

У тутилиб-тутилиб гапирди.

- Нима бўлди? Нима бўлди?

Аёл жиззакилик билан унинг раҳмини келтирганди. Сўнг эса ёнокларини артиб, босик овозда жавоб берди.

- Ҳеч нарса. Факатгина кўйлагим йўқ, шунинг учун баллга боролмайман. Таклифномани эса хотини мендан кўра яхшироқ йигинган хамкасбларингизга берарсиз.

Эр иложсиз эди.

- Кел Матилда, ўйлаб кўрайлик, - давом этди у. – Бежирим ва бошка тадбирларга хам кийса бўладиган ярашикли кўйлак канча туради?

Жувон бир неча дакика чуқур ўйга толди, ҳисоб-китоб килди, микдордан тааж жубланиб, тежамкор котибнинг гапларидан чўчиб, ўзича нималардандир воз кечди.

Ванихоят, иккилана-иккилана жавоб берди.

- Анигини билмайман-у, ўйлашимча тўрт юз франк билан нимадир килса бўлади.

Унинг ранги оқариб кетди. Чунки бу микдордаги пул билан у курол сотиб олишни ва яқшанба куни тўрғай овлашга борган бир неча дўстлари билан келаси ёзда шаҳар четидаги Нантерра(3) яйловларида ўқ отиш билан ўзини-ўзи сийлашни мўлжаллаган эди.

Аммо бу ҳақда индамади.

- Яхши, сенга тўрт юз франк берганим бўлсин. Ажойиб кўйлак харид килишга уриниб кўрарсан.

Базм куни тобора яқинлашар, кўйлаги тайёр бўлганига карамай мадам Луизел гамгин, беҳаловат ва беҳузур кўринарди.

Бир куни окшом махали турмуш ўртоғи ундан сўраб колди.

- Нима бўлди? Кейинги уч кун ичида галатирок бўлиб колгансан.

Аёл жавоб берди:

- Бир дона хам такинчоғим, бир дона хам тошларим, умуман такишга ҳеч нарсам йўқлигидан хўрлигим келаяпти. Нихоятда бахтсизман. Яхшиси бормай кўя колганим маъкул.

- Табиий гулларни такишинг мумкин,- гапирди мистер Луизел.- Хозирда бу услуб жуда урфга кирган. Ўн франк эвазига икки ёки учта чиройли атиргул сотиб ололасан.

Аёл ишонкирамади.

- Йўқ, бойвачча хонимлар орасида бечора кифада кўриниб, гурурим поймол бўлишини хохламайман.

Аммо эри бакириб юборди:

- Канчалар ахмоксан-а! Дугонанг мадам Форестиерни йўқлаб бориб, такинчокларини сўраб тур. Ахир у билан жуда хам калин ўртоқсизлар-ку.

У хурсандчиликдан кийкирди.

- Тўппа-тўгри! Бу хаёлимга келмаган экан.

Эртаси куни у дугонасиникига келиб, дардини баён килди.

Мадам Форестиер ойнали эшик билан копланган кийим жавонидан катта такинчоклар кутисини олиб келди. Уни очиб, дугонасига деди:

- Азизим, танлаб ол!

У даставвал билакузукларни, кейин марварид маржон шодасини, кейин Венеция хочини, уста заргарнинг тилла ва кимматбаҳо тошларини кўздан кечирди. У кўзгу олдида ўзига оро берди, иккиланди, булардан тўла коникиш хосил килмагач, жойига кайтариб кўйди.

- Хаммаси шуми? – сўради у.

- Нега экан, яна бор албатта. Караб кўр. Нимани ёктиришингни билмайман-ку.

Бирданига унинг кўзлари кора духоба кутидаги олмосли серхашам маржон шодасиига тушди. Юраги кинидан чикаёзди. Уни ушлаганида кўллари титраб кетди. Такинчокни кенг ёкали кўйлагига мослаб, бўйни атрофига илди ва кўринишидан кувониб ўзини йўқотди.

Кейин эса кўркув, изтироб аралаш сўради.

- Менга худди шуни бериб тура оласанми, факат худди шунинг ўзини?

- Ха, албатта.

У дугонасининг багрига ўзини отиб, хурсандлигидан ўпиб кўйди. Сўнгра хазинаси билан жўнаб кетди.

Базм куни етиб келди. Мадам Луизел катта муваффақиятга эришди. У барчадан гўзал, хушбичим, пўрим, кувнок ва бахтиёр эди. Барча эркакларнинг кўзи унда, унинг исмини сўрашар, танишишга ҳаракат килишарди. Вазирлар Махкамасининг барча вакиллари у билан бирга валс тушишни иташарди. Шахсан унинг ўзи вазирнинг эътирофига тушди.

У сархушлик билан, эхтирос билан раксга тушар, ичимлик таъсирида рохатланиб, гўзаллиги зафариди, муваффақияти шохсупасида, бахт осмонида сузганча барчасини унутиб, ўзига бўлган иззат-икром, хайрат, ёник истаклар ва мутлако музаффарлик хислари аёлнинг калбини чулғаб олганди.

Тонги соат тўртга яқин, у кетиш тараддудида эди. Турмуш ўртоғи ярим тундан буён каровсиз хонада, хотинлари байрамни ажойиб нишонлаётган учта эркак билан ухлаб

ётарди.

У хотинининг елкасига базм кўйлагининг хуснига дог туширадиган оддийгина шарфни ташлаб кўйди. Жувон буни сезгач, кимматбахо мўйнага бурканган бошка бир аёлларнинг назарига тушиб колмаслик учун уни юлкиб олди.

Луизел уни тўхтатди.

- Бироз кутиб тур, ташкарида шамоллаб коласан. Мен бориб, такси ушлайман.

Лекин Матилда уни эшитмади. Чакконлик билан зиналардан пастлади. Кўчага чикишиб, бирорта хам файтон топишолмади. Улар кидиришни бошлагач, узокрокдан ўтиб кетган таксичига кўзлари тушиб, бакириб колаверишди.

Чорасиз колганича совукдан калтираб, Сеине (Зайна)га томон юришарди. Ванихоят, кундузлари умуман учратиб бўлмайдиган, факат ярим кечаси Париж атрофида пайдо бўладиган эски аравани (ноктамбулант) дарё бўйида учратишди.

Руе дес Мартирс даги уйи эшиги олдида тушиб, гамгин юришда давом этишди. Матилда учун хаммаси тамом бўлганди. Эрининг соат ўнда Вазирликда бўлиши кераклигини хаёлидан ўтказди.

У яна бир марта шухрат огушида кўзгу оркали ўзига тикилиб, елкаларини ёпиб турган шарфни олди. Бирок кутилмаганда чинкириб юборди. Бўйнидаги маржон шодаси йўк эди!

Эри ярим ечинган ахволда сўз котди.

- Сенга нима бўлди?

У жиннинамо ўгирилди.

- Мен... мен... мен мадам Форестиернинг маржон шодасини йўкотиб кўйдим.

Луизел жойида котиб колди.

- Нима?!... Кандай килиб? Бўлиши мумкинмас!

Улар кўйлакнинг катларини, плашнинг тахламларини-ю чўнтагини, хамма жойни караб чикишди. Аммо топилмади.

- Базмдан чикканинга у бўйнингда бўлганига ишончинг комилми? – сўради Луизел.

- Ха, сарой дахлизиди турганимда у бўйнимда эди.

- Агар уни кўчада туширганинга овозини эшитган бўлардик. У таксидида колган бўлиши керак.

- Ха, эхтимол. Ракамини олганмидингиз?

- Йўк, сен-чи, эслолмайсанми?

- Йўк.

Улар хайратомуз тикилиб туришарди. Охири, Луизел кийимларини кийди.

- Мен пиёда ортга кайтаман, - деди у. – Босиб ўтган йўналиш бўйлаб юриб, топишга уриниб кўраман.

У чикиб кетди. Матилда базм кўйлагида креслода ўтириб, кўзига уйку келмай, оловни хам ёкмай, хаёлига бир фикр келмай уни кутарди. У соат еттилар атрофида излаганини тополмай, курук кайтиб келди.

Луизел милитция бошкармасига, газета идораларига бориб мукофотлар эълон килди. У барча такси компанияларини умид илинжида айланиб чикди.

Фалокатга йўликкан аёл кун бўйи вахима ичида кутди. Тунда Луизел синиккан, окиш юз билан кайтди. Хеч қандай янгилик йўк эди.

- Дугонанга – деди у, - такинчогининг илгакини бузиб кўйганинг, уни тузатиш учун бироз вақт кераклигини ёзиб юбор.

У бирма-бир хаммасини хатга туширди.

Хафта охирида улар умидини бутунлай узишди.

Нак беш ёшга қариган Луизел сўзлади.

- Энди такинчокни ўрнига қандай қайтариш ҳақида бош қотиришимиз лозим.

Кейинги кун улар кутини олиб, донги чиккан заргарникига боришди. Луизел унинг китобини қараб чикди.

- Мадам, мен маржон шодаси сотадиган сотувчи эмасман. Шунчаки, кутиларга безак бераман ҳалос.

Шундан сўнг, улар заргарма-заргар юриб, ўша маржон шодасига ўхшашини излашди, улардан маслаҳат олишди. Иккалови ҳам алам ва изтироб билан ҳастанамо эдилар.

Палаис Роялдаги дўконда улар кидираётган такинчокка жуда ўхшаш олмос шодасига дуч келишди. Нархи қирк минг франк турар экан. Улар буни ўттиз олти минг эвазига харид қилишлари мумкин эди.

Эр-хотин заргарга уч кунгача уни сотмаслигини сўраб ёлворишди. Луизел такинчокни ўттиз олти минг франкка олиш тўғрисида ўзаро келишув қилишди. Хар эҳтимолга қарши, улар ферал охирида яна бошқасини ҳам топиб қўйишди.

Луизелда отаси унга қолдирган ўн саккиз минг франк бўлиб, қолганини қарз олди.

У бировдан минг франк, бошқасидан буш юз, беш луисни у ердан, уч луисни бу ердан сўраб, қарз қилди. У барчасини қайд этиб қўйди. Хонавайрон қиладиган ваъдалар берди, судхўрлар ва барча қарз берувчи зоти билан битим тузди. У қолган умрини хавф остига қўйиб, ҳаттоки харажатларни тўлай олиш ёки олмаслигини билмай туриб, таваққал имзо қўйди. У хали бошидан ўтказмаган укубатлар, уни йикитиши мумкин бўлган ўта кашшоклик, моддий муҳтожликнинг келажаги ва унга азоб берадиган рухий қийноқлардан ваҳимада эди. У маржон шодасини олиш учун келди ва савдогарнинг растасига ўттиз олти минг франкни ташлади.

Мадам Луизел маржон шодасини қайтариш учун келганида, мадам Форестиер унга совук оҳангда гапирди.

- Буни тезроқ қайтаришинг лозим эди. Ўзимга зарур бўлиб қолди.

У қўрққанидек, дугонаси кутини очмади. Агар такинчок бошқа эканлигини билиб қолганида нимани ўйлаган, нималар деган бўларди? Мадам Луизелни ўғирликда айблармиди?

Мадам Луизел ҳозир йўқчилликда яшашни қўрқинч билан ҳис қилганди. Тасодифий ходисада қахрамонларча иштирок этди. Энди эса даҳшатли қарздорликдан қутулмоқ лозим. Аёл буни тўлайди. Улар хизматкорини ишдан бўшатишди; Турар жойини ўзгартиришди; том устидаги чердакни қирага олишди.

У уй юмушларининг нақадар оғирлигини, ошхона ташвишларининг ёқимсизлигини англаб етиб, ёғли қозон ва това учун пушти тирноқларини ишлатарди. У қир полотнони, эрининг қўйлагини ва идиш артадиган сочикларни юварди. Хар куни эрталаб ювиндиларни қўчага олиб чиқиб, зинаояларда тўхтаб нафас ростлаганча сув олиб чиқарди. Одамларнинг хотинига ўхшаб қийинар, қўлида сават билан мева, бақоллик, гўшт дўконига борар, савдолашар, ҳақорат қилар, майда пуллари тийинигача ҳисобларди.

Хар ой қарзнинг бироз миқдорини узишса, қолганини узайтиришарди.

Турмуш ўртоғи қечқурунлари савдогарнинг ҳисоб-китобларидан нусха ёзар, тунга бориб вароғи учун 5 луис эвазига қадимий қўлёзмалардан намуна қўчиради.

Бу турмуш тарзи ўн йил давом этди.

Ўн йилдан сўнгина улар ҳамма нарсани, ҳамма-ҳаммасини – судхўрларга нисбати ва

кўшма фоизлари билан тўлаб бўлишди.

Мадам Луизел эндиликда каримсик кўринарди. Камбагаллашган аёл кучли, каттиккўл ва кўрс бўлиб колганди. Тўзгиган соч, кийшайган юпка ва кизарган кўллари билан сувланган полни артиш давомида бакириб гапирарди. Баъзан, эри идорада бўлган вақтларда, у деразага якин ўтирганча йиллар олдинги фарахбахш кечани, у нихоятда латофатли ва гўзал бўлган балл хакида хаёл сурарди.

Агар у маржон шодасини йўкотмаганида нима бўларди? Ким хам биларди? Ким билади дейсиз? Хаёт канчалар гаройиб ва ўзгарувчан! Кичкинагина воқеа баъзан яшаш ёки хаётдан умид узишга етарли бўлади!

Якшанба куни эди. Хафталик меҳнатларнинг хордигини чиқариш мақсадида Чампс Эйлсеесда сайр килиб юриб, бола етаклаган аёлга тўсатдан дуч келди. Хануз ёш, хануз гўзал, хануз мафтункор бўлган мадам Форестиер эди.

Мадам Луизел хаяжонланди. У билан гаплашсинми? Ха, албатта. Ахир хаммасини тўлаб бўлган, энди бор гапни айтаверса хам бўлади.

У тепага кўтарилди.

- Хайрли кун, Жинни!

Унга танишидек мурожаат қилган оддий ёкимтой жувондан таажжубланди –ю, аммо уни мутлако танимади.

- Лекин... мадам! – тутулиб гарирди у. – Сизни танимадим... Адашган бўлсангиз керак.

- Йўк. Мен Матилда Луизелман.

Дугонаси кичкириб юборди.

- О, бечора Матилда! Канчалар ўзгариб кетибсан!

- Ха, сени охирги бор кўрганимдан буён канча огир кунларни бошдан кечирдим.. канча мусибатли кунларни... Хаммаси сен туфайли бўлди!

- Мени деб! Қандай килиб?

- Саройдаги базмга такиб туриш учун менга берган олмос шодаларини эслайсанми?

- Ха, хўш?

- Мени уни йўкотиб кўйгандим.

- Нимани назарда тутаяпсан? Уни келтириб бергандинг-ку.

- Сенга худди ўхшашини олиб келиб бергандим. Сўнгра бунинг тўловини ўн йил давомида уздик. Тушунаяпсанми, ҳеч вақоси йўк кимса учун бу канчалар мушкул эди. Ваняхоят, хаммаси тугади. Бундан жуда хурсандман.

Мадам Форестиер юришдан тўхтади.

- Айтмоқчисанки, меникини ўрнига кайтариш учун олмос шодасини сотиб олгансан?

- Ха! Сен буни сезмадинг хам! Улар жуда ўхшаш эди.

Матилда мамнун кулди.

Мадам Форестиер каттик титраб кетди, унинг кўлларини ушлаб, деди:

- О, бечорагинам Матилда! Нима учун, менинг такинчоғим сунъий тошлардан ясалган эди-ку!

---

1. Бретон- куйи Нормандиядаги гарбий Франсиянинг ярим ороли бўлган Бриттанидан.

2. Pot-au-feu – қайнатма шўрва

3. Нантерра – Парижнинг гарбий чеккаси

